

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
17.11.2016 й.
№ ПҚ-2658

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

"ЎЗАГРОТЕХСАНОАТХОЛДИНГ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида" 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармони бажариш юзасидан ҳамда замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини бошқариш бўйича ягона комплекснинг самарали фаолиятини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) "Ўзагротехмаш" АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларнинг тизимли маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ресурсларни тежайдиган агротехнологиялар, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик соҳасида шундай агротехнологиялар жорий этилишини таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги учун турли хил замонавий, харидоргир техника ва механизация воситалари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг рақобатбардошлигини ошириш, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотлар тури ва ҳажмларини кенгайтириш;

энергия ва металл тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситалари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этиш ва амалдаги корхоналарни модернизация қилишга қаратилган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни олиб бориш;

"Ўзагротехмаш" АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда республиканинг бошқа ташкилотлари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ҳамда мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

б) "Ўзагролизинг" АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг лизинг асосида топшириладиган қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талаб-эҳтиёжларини ўрганиш;

олинган буюртманомалар асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан шундай техникани ишлаб чиқариш ва етказиб беришга буюртмани жойлаштириш;

белгиланган тартибда лизинг олувчиларга янги ва харидоргир қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга топшириш;

"Ўзагротехмаш" АЖ таркибига қирувчи қишлоқ хўжалиги учун техника ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини дистрибьютерлик, дилерлик шартномаси ҳамда бошқа шартномалар асосида сотишни ташкил этиш;

етақчи лизинг компанияларининг халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда лизинг операцияларини амалга оширишнинг илғор усулларини жорий этиш;

в) "Ўзагросервис" АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги техникаси ва уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганиш, уларни асосан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқаришга буюртмалар, шунингдек сифат тавсифларини аниқлаган ҳолда уларни импортга етказиб бериш бўйича буюртмаларни жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига сервис ва механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона техник сиёсат ўтказиш;

машина-трактор паркларининг юқори унумли, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси, энг аввало ватанимизда ишлаб чиқарилган техника билан, шунингдек уларга техникавий хизмат кўрсатиш учун ускуналар билан жихозланиш даражасини ошириш;

қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатишнинг замонавий усул ва технологияларини жорий этиш, фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш;

"Ўзагротехмаш" АЖ таркибига қирувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган эҳтиёт қисмларни дистрибьютерлик, дилерлик шартномаси ҳамда бошқа шартномалар асосида сотишни ташкил этиш;

жумладан, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг "Агросервис" ҳудудий жамиятларининг филиаллари билан янада қалинроқ ҳамкорлик қилиши, шунингдек механизаторлар меҳнатини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобига кадрлар тайёрлаш ҳамда бошқарув ходимларининг касб савиясини ошириш тизимини тубдан яхшилаш.

2. Қуйидагилар:

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖнинг ташкилий тузилмалари 1, 1а, 1б ва 1в-иловаларига* мувофиқ;

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

"Ўзагротехмаш" АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат бўлган тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

"Ўзагролизинг" АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 34 нафардан иборат бўлган тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

"Ўзагросервис" АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 32 нафардан иборат бўлган тузилмаси 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, "Ўзагролизинг" АЖ филиаллари ва "Ўзагросервис" АЖ ҳудудий ташкилотларининг намунавий тузилмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли равишда "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖнинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ бошқаруви раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилишида сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тасдиқланади ва мақомига кўра вазирга тенглаштирилади;

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади ҳамда мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ бошқарув раисининг ўринбосарлари - "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖнинг бош директорлари жамиятлар акциядорларининг умумий йиғилишида сайланадилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланадилар ва мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштириладилар;

"Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ бош директорларининг ўринбосарлари жамиятларнинг кузатув кенгашлари томонидан сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланадилар;

"Ўзагротехмаш" АЖ қайта ташкил этилаётган "Ўзагросаноатмашхолдинг" ХКнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис, "Ўзагросервис" АЖ - қайта ташкил этилаётган "Ўзагромашсервис" уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис, "Ўзагролизинг" АЖ - қайта ташкил этилаётган "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланадилар.

4. Хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар, хўжалик юритувчи жамиятларнинг устав капиталидаги акциялар бўйича дивидендлар ва улардаги иштирокидан олинадиган даромадлар, халқаро молия институтларининг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагротехмаш" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси белгиланган тартибда "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ устав жамғармаларининг шакллантирилишини ҳамда уларнинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини таъминласин.

6. "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳамда қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатлари кўриб чиқилиши учун йиғимлар тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармони билан тузилган Ишчи комиссияси (У.У. Розуқулов) икки ой муддатда:

2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигини асосий техника турлари билан таъминлаш, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик учун махсус техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар Дастурини;

"Ўзагротехмаш" АЖ маҳсулотларини ички бозорда дистрибьютерлик, дилерлик шартномаси ва бошқа шартномалар асосида сотишни ташкил этишнинг амалий механизмини яратиш бўйича таклифларни;

кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда машина-трактор парклари ва "Агротехсервис МТП" ташкилотлари тизими оптималлаштирилган ҳолда "Ўзавтосаноат" АК ташкилотларига тегишли бўлган "Автосаноат Агротехсервис" МЧЖнинг устав

жамғармасидаги улушларни номинал қиймати бўйича "Ўзагросервис" АЖнинг устав жамғармасига топширилишини назарда тутувчи ташкилий чора-тадбирлар комплексини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ишлаб чиқариш, сотиш, фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш йўналишлари бўйича бошқарув ходимлари ҳамда муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан яхшилаш Дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖга "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ таркибига кирувчи ташкилотларнинг айланма маблағлари тўлдирилишини, уларни модернизация қилиш ва ривожлантиришни таъминлаш учун Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш махсус жамғармасини тузишга рухсат берилсин.

Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда "Ўзагросервис" АЖ таркибига кирувчи ташкилотларнинг "Ўзагросервис" АЖ ҳузурида Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, "Ўзагросервис" АЖ таркибига кирувчи ҳудудий ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушадиган соф тушумнинг 5 фоизи миқдоридagi ажратма маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагросервис" АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, Жамғарманинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни қоплашга, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни модернизациялаш ва реконструкция қилишга йўналтирилиши назарда тутилсин.

14. 2022 йилнинг 1 январига қадар:

"Ўзагротехмаш" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш учун олиб келадиган технология ускуналари, жиҳозлар, асбоблар, бутловчи буюмлар, деталлар, узеллар, материаллар, эҳтиёт қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи учун йиғимлар бундан мустасно);

"Ўзагротехмаш" АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар - товарлар, ишлар ва хизматлар экспортидан тушадиган хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан;

"Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ ва "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ - қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно);

"Ўзагросервис" АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар - улар ва уларнинг туман филиаллари томонидан кўрсатилган механизациялаштирилган хизмат, таъмирлаш ва сервис хизматлари учун кўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

"Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзмашлизинг" МЧЖ - лизинг операцияларидан олинган даромадлар бўйича, тегишли равишда, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинсин.

15. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Агробанк" АТБнинг 2017-2019 йилларда акциядорлар ва қўшимча инвесторларнинг маблағлари ҳисобига кейинчалик ресурсларни қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашга йўналтирган ҳолда "Агробанк" АТБнинг устав капиталини босқичма-босқич 250 млрд сўмга кўпайтириш тўғрисидаги;

"Ўзавтосаноат" АК ва "Ўзагросаноатмашхолдинг" ХКнинг "Агромашсаноатинвест" МЧЖнинг "Ўзавтосаноат" АК ва унинг ташкилотлари олдидаги мавжуд қарздорлигини қоплаган ҳолда "Ўзавтосаноат" АКнинг "КБ - ЎзАгротех" МЧЖ ва "Агромашсаноатинвест" МЧЖ устав жамғармаларидаги улушларини "Ўзагротехмаш" АЖнинг мулки этиб унга бепул топшириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ, "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагросервис" АЖ стратегик хом ашё ишлаб чиқариш ва бирламчи қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари, шунингдек табиий монополиялар субъектлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган бошқариладиган нархлар бўйича сотиладиган ижтимоий аҳамиятли товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар Рўйхатига киритилсин.

17. Қуйидагилар:

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ ва "Ўзагротехмаш" АЖ Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уйда;

"Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 4а-уйда жойлаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. Мирзиёев

**) Иловалар берилмайди.*

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси",
2016 йил, 11-сон, 371-модда

